

Ҳаром нарсаларнинг савдоси ҳаромдир



09:10 / 14.08.2019 1865

- Савдода ҳаром қилинган ишлардан бири шариатда ҳаром қилинган нарсаларнинг савдосидир.

Ислом шариатида қиймати йўқ ёки ҳаром дейилган нарсаларнинг савдоси билан шуғулланиш мутлақо мумкин эмас. Умуман, савдо билан шуғулланмоқчи бўлган одам дастлаб бу борадаги ҳалол-ҳаромни, мумкин ва мумкин бўлмаган нарсаларни, бу борадаги тижорат одобларини яхшилаб ўрганиб олиши шарт. Шундан кейингина яхши ният билан иш бошлайди.

Яхши ният ва аллоҳнинг зикри

- Савдо одобларидан бири ниятни яхшилаш ва Аллоҳ таолони зикр қилишдир.

Исломда ҳар бир нарса ниятга боғлиқ экани маълум ва машҳур. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби тижоратда ҳам яхши ният шартдир. Ҳалол касб қилиш, топгани ўзига насиб қилиши, топганини яхшиликка сарфлаш, хайр-эҳсон қилиш каби яхши ниятлар қилинса, ишда ва молда барака бўлади.

Аллоҳ таолонинг зикри ибодатдир, шу билан бирга, ёмонликдан тўсувчи ва яхшиликка ундовчи кучли омилдир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг баъзи ҳадисларида бозорга кирганда Аллоҳ таолонинг зикрини қилишга ундаганлар.

Савдогар ўзига ва оиласига ҳалол ризқ топиш ниятида бўлиши керак. Шу билан бирга, ўздан ортиб қолганини муҳтожларга эҳсон қилиш, савобли ишларга сарфлашни мақсад қилиши лозим. Афсуски, баъзи ҳолатларда ана шундай яхши ниятлар қилиш ҳақида мулоҳаза қилинмайди. Янги иш бошлаб, дўкони олдида турган савдогарни танишлари табриклаб, «Муборак бўлсин, янги иш бошлабсиз-да», дейилса, «Ҳа, бир-иккитаси жиғимга теккан эди, ўшаларни синдиришни ният қилиб турибман», дейдиганлар ҳам йўқ эмас.

“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан